



Исмоил ибн Ахмад Сомоний
(849-йил, Фаргона – 907-йил, Бухоро)
(874-907)

Ўзбек давлатчилиги тизимида хукмронлик килган сомонийлар сулоласининг йирик вакили. Унга “амири-мозий” - “дунёдан ўтган амир” деган лакабни берганлар. Аббосий халифа Муътаид (870-892) Рофе ибн Лайс кўзголони бостиришда ёрдам берган сулола асосчиси Сомонхудодиннинг ўғилларидан Наср И ибн Ахмадни Мовароуннахрга ноиб (873-893), Исмоил Сомонийни эса Бухорога ҳоким этиб тайинлаган. Аммо ака-ука ўртасида ихтилоф пайдо бўлиб, улар икки бор ўзаро уруш килган. Биринчиси сулҳ билан якунланган, иккинчисида Исмоил Сомоний голиб келганига қарамай, акасининг ҳокимиятини тортиб олмаган.

893-йил Наср И вафот этгач, халифа Муътазид (892-902) Исмоил Сомонийни унинг ўрнига Мовароуннахрга ноиб қилиб тайинлаган. У шу йилиёқ Тароз шаҳрини эгаллаган, 899-йил халифанинг Хуросондаги ноиб Амр ибн Лайс қўшинини тор-мор қелтириб, унинг тасарруфидаги ерларни бўйсундирган. 902-йил эса у Табаристон, Рай, Казвин ва Дайламни забт этиб, ўзини халифаликдан мустақил ҳукмдор деб эълон қилган. У 907-йил вафот этгач, ўрнига ўғли Ахмад ибн Исмоил ҳокимият тепасига келган.

Исмоил бутун Мовароуннахрни ўз қўли остида қучли бир давлат қилиб бирлаштирди. Хуросонда ташкил топган Саффорийлар давлатига барҳам берди ва уни ўз давлатига қўшиб олди. Натижада пойтахти Бухоро шаҳри бўлган замонасининг энг йирик мустақил ўрта аср давлати ташкил топди. Бу давлатни сомонийлар хонадонидан бўлган ҳукмдорлар – амирлар X аср охириларигача идора қиладилар.

Исмоил Сомоний, тарихий маълумотларга қўра, оқил, одил ва уламоларга ҳомий ҳукмдорлардан бўлиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, қучли қўшин тузиш, итоатсиз амирларни бўйсундириш йўлида қаттиқ курашган. У мамлакат ободончилигига ҳам қатта эътибор бериб, қўплаб меъморий иншоотлар қурдирган. Наршахий берган маълумотга қўра, Исмоил Сомонийнинг ҳукмдорлик муддати 30 йил бўлиб, шундан 20 йили Хуросон амираи ҳам эди. Унинг даврида Сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган

эмас.